


ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ УЧУН ЎҚУВ СЕМИНАРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА.



Қумқўрғон туманида "Ҳоким ёрдамчилари" учун семинар-тренинглар ва амалий машғулотлар давом этмоқда.

Туман Халқ депутатлари кенгаши депутатлари ҳам ушбу машғулотларда иштирок этиб, ҳоким ёрдамчилари билан суҳбаташишди.

Семинарда жорий этилаётган ушбу масъулиятли вазифада келгусида иш олиб бориш тартиблари, аҳолини банд қилиш, янги тадбиркорлик соҳаларини ташкил этишда қайси жиҳатларга эътибор бериш лозимлиги ва бошқа долзарб

масалалар ҳақида батафсил тушунчалар берилмоқда.

4- кундаги машғулотларда маърузачилар Республика вакили Бобомурод Ўтаев, Давлат хизматлари маркази директори Шарофиддин Болтаев, туман Адлия бошлиғи Рашид Султонов.